Раджабова Зуҳра Рустамовна – магистр
Курязов Акбар Куранбаевич – DSc, доцент
Тошкент тиббиёт академияси Ургенч филиали (Ургенч, Ўзбекистон)

ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ХИВА ТУМАНИ МИСОЛИДА

Аннотация, *ушбу мақолада фертил ёшидаги аёлларда стоматологик касалликларни тарқалиш кўрсаткичлари, стоматологик касалликларнинг ташхислаш усуллари ҳамда стоматологик касалликларнинг келтириб чиқарувчи сабаблари батафсил кўрсатилган.*

Калит сўзлари. *Фертил ёшидаги аёллар, стоматологик касалликлар, стоматологик текширув усуллари.*

Раджабова Зуҳра Рустамовна – магистр
Курязов Акбар Куранбаевич – DSc, доцент
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии (Ургенч, Узбекистан)

ПОКАЗАНИЯ К РАСПРОСТРАНЕНИЮ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ЖЕНЩИН ФЕРТИЛЬНОГО ВОЗРАСТА НА ПРИМЕРЕ ХИВИНСКОГО РАЙОНА

Аннотация, *в данной статье подробно рассказывается о распространенности стоматологических заболеваний у женщин фертильного возраста, методах диагностики стоматологических заболеваний и первопричинах возникновения стоматологических заболеваний.*

Ключевые слова. *Женщины фертильного возраста, стоматологические заболевания, методы стоматологического обследования.*

Radjabova Zuhra Rustamovna – master
Kuryazova Akbar Kuranbaevich – DSc, dotsent
Urgench branch of the Tashkent medical academy (Urgench, Uzbekistan)

INDICATIONS FOR THE SPREAD OF DENTAL DISEASES IN WOMEN OF FERTILE AGE ON THE EXAMPLE OF THE KHIVA REGION

Abstract: *this article describes in detail the prevalence of dental diseases in women of fertile age, methods of diagnosis of dental diseases and the root causes of dental diseases.*

Key words. *Women of fertile age, dental diseases, methods of dental examination.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Бугунги кунда фертил ёшдаги, ҳомиладорлар ва эмизикли аёллар орасида стоматологик касалликлар учраш даражаси, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар, ушбу ҳолатнинг улар организм аъзо ва тизимларига таъсири борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Стоматологик касалликлар бирламчи профилактикасини ишлаб чиқиш, унинг клиник-стоматологик самарадорлигини ошириш, стоматологик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. Аммо, фертил ёшдаги аёллар тизимида стоматологик саломатликни ўрганиш натижалари талқин ҳамда таҳлили, улар асосида ушбу касалликларнинг учраш даражасини камайтириш, бирламчи профилактика йўлларини ишлаб чиқиш, шу асосда ушбу аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш борасидаги тадқиқотлар поёнига етгани йўқ ва уларни давом эттирган ҳолда мақбул профилактик дастурлар ишлаб чиқиш, амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Фертил ёшдаги аёлларда стоматологик касалликларнинг тарқалиш кўрсаткичларини ўрганишни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти. Фертил ёшдаги аёлларда стоматологик касалликлар билан касалланган беморлар олинди.

Натижа ва таҳлиллари. Фертил ёшдаги, ҳомиладорлар ва эмизикли аёллар орасида стоматологик касалликлар статусга баҳо беришдан олдин стоматологияда кенг қўлланиладиган КПО кўрсаткичига тўхталдик, бу параметр тишларнинг кариес билан зарарланганлик даражасини кўрсатади. – кариес бўлган, пломба қўйилган ва олиб ташланган тишлар йиғиндиси (К+П+ОТ) ушбу шахсда кариоз жараён интенсивлигини баҳолаш имконини беради. Улар бўйича олинган ўртача кўрсаткич бўлса, бутун популяция тўғрисида сўз юритишга имконият яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткични аниқлашда кариоз зарарланишининг эрта кўринишлари, масалан доғ босқичи, ҳисобга олинмайди. КПО индекси юқори ахборот берувчи қийматга эга бўлгани сабабли ҳам ўрганилган контингентда шу кўрсаткичга баҳо берилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Қасимобод туманида истиқомат қилувчи фертил ёшдаги аёлларда кариес сони ўртача 792 тани, пломбалар сони ўртача 714 тани, олиб ташланган тишлар сони ўртача 941 тани ташкил этди. Буларга қўшимча равишда тишлардаги қопламалар сони ўртача 615 тани ташкил этгани аниқланди. Агар олинган кўрсаткичларни тадқиқотларга жалб қилинган аёллар сонига бўлсак (n=986), КПО билан зарарланганлик даражаси келиб чиқади. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики кариес (К) 0,80 тани, пломбалар ҳар бир аёлга 0,72 тани, олиб ташланган тишлар сони 0,95 тани ташкил этди, бунга қўшимча равишда тиш қопламалари хар бир аёлга 0,62 тани ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Қишлоқ туманиларида яшовчи фертил ёшдаги аёлларда КПО ҳамда тиш қопламаларининг ҳар бир аёлда учраш даражаси параметрлари

Туманлар	КПУ кўрсаткичлари			ТҚ
	К	П	ОТ	
Қасимобод тумани n=986	0,80	0,72	0,95	0,62
Питнак тумани n=933	0,94	0,96	0,81	0,39
Сангардак n=855	0,85	0,93	0,66	0,52
Жами n=2774	0,86	0,87	0,82	0,51

Эслатма: *К - кариес; П - пломба; ОТ - олиб ташланган; ТҚ - тиш қопламалари.*

Айнан шу кўрсаткичлар Питнак туманида яшовчи туғиш ёшидаги аёлларда ҳам ўрганилди. Олинган натижалар кариеснинг 873 тани, пломбалар 896 тани, олиб ташланган тишлар 755 тани кўрсатди, тиш қопламалари бўлса, 365 та бўлгани аниқланди. Олдинги туманга ўхшаб, ушбу кўрсаткичларнинг текширилган аёлларга (n=933) нисбатини чиқардик. Шунда кариес кўрсаткичи ўртача 0,94 тани, пломбалар сони 0,96 тани, олиб ташланган тишлар 0,81 тани, тиш қопламалари сони 0,39 тани ташкил этди.

Ушбу қишлоқ туманлари параметрлари шаҳарлик (Сангардак) фертил ёшидаги аёллар стоматологик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Ушбу аёлларда (n=855) кариес 730 тани, пломбалар 792 тани, олиб ташланган тишлар 567 тани ва тиш қопламалари сони 445 тани ташкил этгани аниқланди. Агар бу кўрсаткичларни ўрганилган аёллар сонига бўлсак қуйидаги нисбатлар келиб чиқади: кариес - ўртача 0,85; пломба - ўртача 093; олиб ташланган тишлар ўртача 0,66; тиш копламалари – ўртача 0,52.


Агар уларнинг қиёсий таҳлилига тўхталадиган бўлсак, кариоз тишлар нисбати бўйича айтарли фарқ кузатилмади, қишлоқ ва шаҳарда яшовчи аёлларда тишларнинг амалий жиҳатдан бир хилда зарарланганлигини кузатдик, пломбалар сони бўйича шунга ўхшаш натижалар олинди, аммо олиб ташланган тишлар борасида бундай деб бўлмайди. Чунки бу параметр бўйича шаҳарлик аёллар кўрсаткичлари сезиларли даражада пастлиги аниқланди, тиш қопламалари параметрлари бўйича ҳам етарли даражадаги фарқ аниқланмади. Фикримизча, олиб ташланган тишларнинг шаҳарлик аёлларда кам булиши уларнинг тишларига нисбатан эътибори юқорилигидан далолатдир. Бу эса стоматологик саломатлик бўйича уларнинг билим ва кўникмалари юқорилиги, дунёқарашлари кенглиги ва жамиятда шунга талаб юқорилиги билан изоҳланди. Парвариш қилинган тишлар сақланиб қолиши эса ўз-ўзидан тиш қопламаларининг камлигига олиб келади. Бу иккала кўрсаткичнинг (олиб ташланган тишлар ва тиш қопламалари сони) бир-бири билан боғлиқлиги исботлаб берилди [1.3.5.7.9.11.13.14].

Шундай қилиб, турли ҳудудларда яшовчи фертил ёшдаги аёллар стоматологик саломатлигини белгиловчи кўрсаткичлардан бири КПО параметрини ўрганиш шуни кўрсатдики, тиш кариоз зарарланиши бўйича қишлоқ туманлари ва шаҳарлик аёллар орасида сезиларли фарқ аниқланмади, ҳар бир аёлга тўғри келадиган ўртача кўрсаткич мос равишда 0,80 (Қасимобод), 0,94 (Питнак) ва 0,85 (Сангардак)ни ташкил этди. Пломбалар бўйича ҳам кўзга кўринадиган тафовут аниқланмади.

Мос равишда 0,72, 0,96 ва 0,93. Олиб ташланган тишлар буйича бўлса тафовутлар аниқланди, шаҳарлик аёлларда бу параметрларнинг ўртача кўрсаткичи қишлоқ аёлларига нисбатан сезиларли даражада паст бўлди - мос ра-

вишда 0,55, 0,81 ва 0,66. Олиб ташланган тишлар камлиги стоматологик саломатлигига бўлган эътиборнинг юқорилиги билан изоҳланди.

Ишнинг кейинги босқичида КПО индекси ҳам ҳисобланди ва натижалар таҳлил қилинди. Юқорида айтилганидек, бу индекс тишларнинг кариес билан зарарланганлик даражасини кўрсатади. Бу индексни ҳисоблаш учун барча учта кўрсаткич йиғиндиси умумий ўрганилганлар сонига бўлинди. К+П+О/n, бунда К-кариес, П-пломба, О-олиб ташланган ва n-кузатув бирлиги. Қасимобод тумани бўйича КПО индекси 2,48 бирликни, Питнак тумани бўйича 2,71 бирликни, Сангардак бўйича 2,44 бирликни ташкил этди (1-расм).



1-расм. **Турли ҳудудларда яшовчи аёлларда КПО индекси аниқланиш даражаси, бирлик**

Олинган ва 1-расм кўринишида келтирилган натижалар ушбу кўрсаткич бўйича ҳам қишлоқ туманларида яшовчи аёллар параметрлари шаҳарлик тенгдошларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Демак, КПО индекси (кариес тарқалганлик даражаси) бўйича ҳам шаҳарлик аёллар параметрлари қишлоқ аёлларига нисбатан паст бўлди, шунингдек, кариес тарқалганлик фоизи ҳам уларда паст бўлганини ҳисобга олсак, стоматологик саломатлик ҳолати қишлоқ аёлларида пастлиги маълум бўлади. Бу ҳолат стоматологик хизматни ташкил этиш, уни молиялаштиришда ҳисобга олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Стоматологик саломатликни баҳолашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бу ўрганилаётган контингентнинг ортопедик статусини аниқлашдир. Ушбу параметрни ўрганиш бўйича натижалар шуни кўрсатдики (2-жадвал), қишлоқ ва шаҳар аёллари орасида ишонарли даражадаги фарқ кузатилди.

2-жадвал.

Фертил ёшдаги аёллар стоматологик статусининг қиёсий баҳолаш кўрсаткичлари таҳлили


Кўрсаткичлар		Қасимобод n=986		Питнак n=933		Сангардак n=855	
		мут	%	мут	%	Мут	%
Протез йўқ	юқори жағ	839	85,09±1,13	825	88,42±1,05	702	82,11±1,31*
	пастки жағ	822	83,37±1,19	790	84,67±1,39	673	78,71±1,40*
Кўприксимон протез бор	юқори жағ	147	14,91±1,13	108	11,58±1,05	153	17,89±1,31*
	пастки жағ	164	16,63±1,19	143	15,33±1,39	182	21,29±1,40*

Эслатма: ** - қишлоқ туманлари кўрсаткичларига нисбатан ишонарли фарқ белгиси*

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, тиш протези йўқ бўлган аёллар кўпчиликни ташкил қилди, агар Қасимободлик аёлларда юқори ва пастки жағ бўйича бу параметр мос равишда 85,09±1,13% ни (n=839) ва 83,37±1,19% ни (n=822) ташкил этган бўлса, Питнаклик аёллар бўйича мос равишда 88,42±1,05% (n=825) ва 84,67±1,39% га (n=790) етган. Шу кўрсаткичларнииг ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги бир-бирига жуда яқин бўлди ва ишонарли тафовут аниқланмади (P>0,05). Шу кўрсаткич бўйича Сангардак доимо истиқомат қилувчи фертил ёшидаги аёллар маълумотлари қишлоқ туманлари аёлларига нисбатан ишонарли даражада камлиги билан фарқланди (P<0,05). Ушбу параметрлар юқори ва пастки жағ бўйича мос равишда 82,11±1,31% (n=702) ва 78,71±1,40%ни (n=673) ташкил этди, бу параметрлар қишлоқ туманлари аёлларидан кўра ишонарли равишда фарқ қилиши аниқланди (P<0,05).


Кўприксимон протез борлиги бўйича кўрсаткичларда ҳам шундай тенденция аниқланди, бу ҳолатда ҳам шаҳарликлар параметрлари қишлоқ туманлари кўрсаткичларидан ишонарли даражада юқори бўлди. Юқори ва пастки жағ бўйича 17,89±1,31% (n=153) ва 21,29±1,40% (n=182)ни ташкил этди. Қасимободлик (мос равишда 14,91±1,13%, n=147) ва 16,63±1,19%, n=164) ва Питнаклик (11,58±1,05%, n=108 ва 15,33±1,39%, n=143) аёллар кўрсаткичлари бўлса ишонарли даражада пастлиги билан ажралиб турди. Шуни таъкидлаш керакки, турар жойидан қатъий назар пастки жағда кўприксимон протез борлиги юқори жағга нисбатан кўп бўлди (2-расм).

Таҳлил шуни кўрсатдики, тиш протезларининг борлиги стоматологик саломатликни сақлаш белгиси бўлиб, улар функциясини сақлаб қолади.



2-расм. **Турли ҳудудларда яшовчи фертил ёшдаги аёлларда кўприксимон тиш протези борлиги бўйича маълумотлар, %**

Кейинги ўрганиш зарурати бўлган кўрсаткич бу стоматологик кўрик натижасида аниқланган протезлашга муҳтожликни таҳлил қилишдир. Аниқланишича, ўрганилган аёллар орасида протезлашга муҳтожлик кам фоизда бўлса ҳам барибир аниқланди. Агар Қасимобод туманидаги ўрганилган аёллар бўйича мос равишда 10,55±0,98% (n=104) ва 11,56±1,02% (n=114)ни ташкил этган бўлса, Питнак тумани бўйича мос равишда 11,79±1,06% (n=110) ва 14,68±1,16% (n=137)ни ташкил қилган, ҳар иккала қишлоқ туманлари бўйича олинган натижалар бир-бирига яқин бўлиб, статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовут аниқланмади (P>0,05). Сангардак бўйича фарқ ҳар иккала жағ бўйича бир хилда ишонарли бўлди – мос равишда 5,85±0,80% (n=50) ва 6,32±0,83% (n=54) - P<0,001. Агар ҳудудлараро тафовут аниқланадиган бўлса шаҳарликларга нисбатан қишлоқ туманларида туманларида протезлашга муҳтожлик юқори жағ бўйича мос равишда ўртача 1,80 ва 1,82 мартани (P<0,001), пастки жағ бўйича 2,01 ва 2,42 мартани ташкил қилган (P<0,001) – 3-расм.



3-расм. **Хива тумани ҳудудларда яшовчи фертил ёшдаги аёлларда кўприксимон тиш протези борлиги бўйича маълумотлар, %**

Кўриниб турибдики, тиш протези қўйишга муҳтожлик шаҳарлик аёлларда қишлоқда истиқомат қилувчи аёлларда нисбатан сезиларли даражада паст бўлган.

Стоматологик саломатлик кўрсаткичларининг келтирилган кўплаб кўрсаткичлари бўйича унинг ёмонлашганлик белгиси қишлоқда яшовчи аёлларда кўплиги аниқланди. Бу ҳолат стоматологик касалликлар кўплиги, аёлларнинг стоматологик касалликларга хос шикоятлари параметрлари; стоматологик диагнозлар аниқланиш даражаси; КПО индекси ва интенсивлиги бўйича протезлашга бўлган муҳтожлик бўйича кузатилди [2.4.6.8.10.12.14].

Стоматологик кўрик, унинг давомида беморларнинг сўраб-суриштириш, улар орасида стоматологик профилактика бўйича ўтказилган суҳбатлар, семинарлар натижалари бўйича қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи фертил ёшидаги аёллар стоматологик саломатликнинг нисбатан ёмонлашувига олиб келган, деб ҳисобланган қуйидаги омиллар аниқланди:

стоматологик касалликлар шаклланиши ва ривожланишида оғиз бўшлиғи гигиенасининг аҳамияти юқори эканлиги тўғрисидаги билим ва тасаввурнинг етарли эмаслиги;

етарли даражада оғиз бўшлиғи гигенасига риоя қилиш даражаси пастлиги, ушбу гигиена воситаларидан фойдаланиш бўйича кўникмаларнинг етарли эмаслиги;

қишлоқ туманларида мунтазам стоматологик кўрикларнинг ўтказилмаслиги, бунинг учун туман тиббиёт муассасалари кучи ва маблағи камлиги;

стоматологик хизматнниг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

стоматологик хизматнинг сифати пастлиги оқибатида ушбу мутахассисга қайта мурожаатларнинг кўплиги;

стоматологик касалликлар тўғрисида билим ҳамда кўникмаларнинг етарли эмаслиги, шунингдек, малакали ихтисослашган стоматологик хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг узоқлиги оқибатида ушбу касалликлар бўйича вақтида мурожаат қилиш фоизининг камлиги, кечикиб мурожаат қилиш ҳолатлари кўплиги;

стоматологик хизмат турларининг сифатли, аммо кўп маблағ талаб қиладиган муолажаларига қишлоқ аёлларининг кам мурожаат қилишлари;

стоматологик касалликларга эстетик нуқсон сифатида қарашнинг юқори даражада ривожланмаганлиги;

қишлоқ туманлари тиббий муассасаларида сифатли, ихтисослашган ортопедик ва ортодонтик ёрдамнниг етарлича эмаслиги, шу соҳалар бўйича юқори малакали мутахассисларнинг фақат катта шаҳарларда фаолият юритишидир.

Хулоса. Ушбу омилларнинг бартараф этилиши эса қишлоқ туманларида стоматологик хизмат сифатини ошириш, фертил ёшидаги аёллар стоматологик саломатлигини яхшилаш, стоматологик касалланишлар фоизинниг пасай-

иши, буларнинг оқибатида эса ушбу аёллар ҳаёт сифатини ошириш имконини яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Курязов А.К. Распространенность и интенсивность кариеса зубов среди беременных, проживающих в различных экологических условиях Узбекистана // Проблемы биологии и медицины. - Самарканд, 2010. - №3. – С.99-102 (14.00.00; №19).

2. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Рузметов У.А. Особенности профилакти-ки стоматологических заболеваний у беременных в условиях экологическо-го неблагополучия. // Проблемы биологии и медицины. - Самарканд, 2010.- №3. - С.42-45 (14.00.00; №19).

3. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Нуралиев Н.А.Сравнительное изучение факторов местного иммунитета ротовой полости у беременных женщин. // Журнал теоретической и клинической медицины. – Ташкент.- 2010. - № 5.- С. 86-89 (14.00.00; №3).

4. Курязов А.К., Суванов К.Ж. Распространенность болезней пародонта и слизистой оболочки полости рта среди беременных, проживающих в различных экологических условиях // Бюллетень ассоциации врачей Узбекистана. – Ташкент, 2011. - №1. – С. 78-82 (14.00.00; №17).

5. Kuryazov A.K., Nuraliyev N.A. Condition of non-specific protection factors of oral cavity amog pregnant women // European jornal of natural history. - 2012. - N 8. - P. 4-5 (Scopus).

6. Suvonov K.J., Adilov U.X., Kuryazov.A.K. Prevalence and risk factors of dental diseases in pregnant women living in different regions of Uzbekistan // Europen Journal of Molecular & Clinical Medicine. - 2020. - Vol. 07, Issue S-02, P.- 2864-2870 (Scopus).

7. Gafforov S.A., Berdiyeva S.G., Kuryazov.A.K. Interdisciplinary Interaction Issues in Orthodontics // International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD) Medicine. - 2021. - P.25-28 (IF- 7.445).

8. Курязов А.К. Тишларнинг понасимон нуксони билан касалланган беморларда стоматологик текширув курсаткичлари // Тиббиётда янги кун.-Тошкент, 2023. - №6(56).- 377-381 б (14.00.00; №22).

9. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёллар орасида стоматологик касалликлар аникланиш даражаси // Тиббиёт ва инновациялар. -Тошкент, 2023. - № 3(11). - 350-366 б. (ОАК раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сонли карори).

10. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёлларда касби ва ёшига боғлик соматик саломатлигини бахолаш натижалари // Тиббиётда янги кун. - Тошкент, 2023. - №10(60). - 866-871 б. (14.00.00; №22).

11. Kuryazov A.K., Olimov S.Sh. The prevalence of diseases among women of fertility age. // Journal of Advanced Zoology. - 2023. - Vol. 44, Issue S-2. P. 2394-2406 (Scopus).

12. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Показатели ортопедического статуса женщин фертильного возраста // Stomatologiya. - Тошкент, 2023. - № 4(93). - 31-38 б. (14.00.00; №12).

13. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Особенности возрастных изменений ортопедического статуса у женщин фертильного возраста, живущих в городской и сельской местносях // Тиббиёт ва инновациялар. - Тошкент, 2023. - №4(12). - 335-346 б. (ОАК раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сонли карори).

14. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёлларда ортопедик статусни ёшга боғлиқ ҳолда ўзгаришларининг хусусиятлари // Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. - 2024. – Том 3. - Выпуск 1 (6). - С.161-169. (ОАК раёсатининг 2022 йилдаги 296/5-сонли карори).